O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.M


# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2004-yil, 5-noyabr • № 44 (3770)


**Агар мендан шунча йил яшаб умрингдан топган қувончинг ва мамнуниятинг нима бўлди деб сўрасалар, мен ҳеч иккиланмасдан Ойбек ва Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва Шайхзода каби буюк сўз санъаткорлари билан замондош бўлганим, уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлганим, бетакрор асарларидаги гўзаллик ва нафосат сирларини кашф этиб, вояга етганим бўлди, деб жавоб берардим. Агар мендан ушалмай қолган орзуларинг, армонларинг борми деб сўрасалар, ҳа, улар тўғрисида, айниқса, Ойбек ҳақида адабиётшунос сифатида ёлчитиб ёзолмаганим, унинг асарларидаги битмас-туганмас бойликни кўнгилдагидек қилиб китобхонларга етказиб беролмаганим менга армон бўлиб қолди, деб жавоб берардим.**

*Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг юз йиллиги олдидан*

Озод ШАРАФИДДИНОВ

## МИЛЛАТНИ УЙҒОТГАН АДИБ

Билмадим, нега шундай бўлдикин? Эҳтимол, шўро замонидаги сон-саноқсиз мафкуравий чеклашлар асоратидан қутула олмаганим сабаб бўлгандир. Ёки Ҳомил Ёқубов, Матёқуб Қўшжонов, Наим Каримов, Бахтиёр Назаров, Иброҳим Ғафуров каби забардаст ойбекшунослар панжасига панжа уришдан ҳайиққандирман. Балки ҳамиша Ойбекнинг вужудидан уфуриб турадиган улуғворлик қаршисида ўзимни ожиз сезгандирман. Бўлмаса, Ойбек ҳақида ёзмадим эмас, анчагина ёзганман. Ҳатто айрим мақолаларим «Вопросы литературы» каби нуфузли журналларда ҳам эълон қилинган эди. Лекин, барибир, бу мақолалар кўнгилдагидай бўлиб чиқмас эди. Уларда Ойбекка муносиб бўлган пафос етишмасди, сўзлар алланечук рангсиз ва суст бўларди. Бу гал ҳам шундоқ бўлди. Қуюнчак олимларимиздан Абдуллажон Аъзамов менга Ойбек таваллудининг юз йиллиги олдидан бирон мақола эълон қилишни маслаҳат берди. Бу таклиф менга маъқул тушди ва дарҳол бошқа ишларни йиғиштириб, мақолани ёзишга киришдим. Аввалига ишлар силлиқ кечди — қалам кўк денгиз узра сузиб кетаётган оқ елкандай қоғоз узра силлиқ югура кетди. Ҳаш-паш дегунча ўн-ўн беш саҳифани қоралаб ҳам қўйдим. Бироқ шундан кейин иш таққа тўхтаб қолди. Қарасам, яна ўша эскича қараш, яна сийқа жумлалар, Ойбек асарларининг руҳидан узоқ мулоҳазалар.

Мақолани шу аҳволда давом эттиришнинг маъниси йўқ эди. Ёзишни тўхтатиб ўйлай бошладим. Бу орада эски дардим қўзғаб, шифохонага ётишга мажбур бўлдим. Оғриқ кучайгандан кучайди. Кўргани келган дўсту ёрон «Худо дардни севган бандасига юборади» деб менга тасалли беришарди. Кимдир: «Худо бандасига чидай олмайдиган дард юбормайди» деб мени сабр-бардошга чақирди. Шифохонага ётганимдан икки-уч кун ўтгач, дорилар ўткирлик қилдими ё бошқа сабабданми, анча оғирлашиб қолдим. Ҳаттоки хотин билан рози-ризолик ҳам тилашиб олдик. Қўрқинчли ва оғриқли кунлардан бири бошланди. Оғриқдан чалғиш учун яна ҳар нарсаларни ёза бошладим. Назаримда, сира оқариб тонг отмаётган бу тун ҳаётимдаги охирги тун бўладигандек эди. Билмадим, кейин ухлаб қолдимми ёки босинқирай бошладимми — ҳарқалай, хонамнинг энг қоронғи бурчагидан бир махлуқ ўрмалаб чиққандай бўлди ва менга қараб карнайдан чиқаётганга ўхшаш овозда «Ҳали фурсатинг битгани йўқ, ҳали зиммангда ишларинг бор», дегандай бўлди.

**Давоми учинчи бетда.**



## ТЕАТР — МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

***Инсон ҳаётини санъатсиз, санъат воситаларидан баҳрамандликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бадиий адабиёт, театр, мусиқа, кино, тасвирий ва амалий санъат асарлари инсонни комилликка ундайди, ҳаётини сермазмун, қалбини ёруғ ва мунаввар қилади.***

*Муҳаррир минбари*

Ижодий тафаккур маҳсуллари инсон онги ва руҳига бевосита таъсир кўрсатади, оғир ва мураккаб шароитларда миллатга тараққиётнинг тўғри, адолатли йўлларини кўрсатиб беради. Сизу бизни кези келганда тушкунликдан, боши берк кўчалардан асрайди, йўлингизни шамчироғ янглиғ ёритиб туради. Бадиий образлар инсонни маънавий жиҳатдан юксакларга кўтаради, ўзини англашга, идрок этишга кўмаклашади. Шундай асарлар бор ва бўлганки, улар энг қийин лаҳзаларда одамларни ягона мақсад йўлида бирлаштириб, эл-юртни бало-қазолардан асраб қолган.

Бу фикрларни биргина театр санъати мисолида ҳам бемалол айтиш мумкин. Улуғ адиблардан бири «Санъат — миллатнинг либоси» деган экан. Уни мантиқан давом эттириб, «Театр миллат маънавиятининг кўзгуси» дейиш мумкин. Қисқа фурсатли бир асар намойиши давомида томошабин кўз ўнгида инсон ҳаётининг турфа хил лаҳзалари, турфа хил тақдирлар, диёнат ва хиёнат, адолат ва адоват «мевалари» намоён бўлади. Саҳнада замонлар, ҳукмдорлар ўзгаради, макру ҳийлалар фош бўлади, сир-синоатлар очилади, зулм занжирлари емирилади. Томошабин ўзини гоҳо катта чорраҳада тургандай ҳис этади: йўл кўп, яшамоқлик имкониятлари бисёр. Аммо, улардан қай бирини танламоқ керак? Эртага ўзи қайси йўлда бўлади, фарзандлари қай манзилларга ошиқади?

Мукаммал саҳна асарлари, юксак саҳнавий образлар ва уларнинг маҳоратли талқинларидан бу саволларнинг аниқ жавобларини топиш мумкин.

Томошабин саҳнада кечаётган воқеа-ҳодисалар, уларнинг моҳияти, сабаб ва оқибатларини идрок этиш орқали ўзига, ўз ҳаёти, дунёқарашига, мақсад-муддаоларига назар ташлайди ва ўзи учун зарур хулосалар чиқаради. У театрга келиб, айтайлик комик асарни томоша қилса, қотиб-қотиб кулиш, фожиавий асар бўлса кўзига ёш олиш билангина кифояланмайди. Асарнинг ҳаётбахш ғояси унинг қалбига ўрнашади, қалб кўзининг очилишига сабаб бўлади.

Бугун театрларимиз саҳнасида шундай бақувват, таъсирчан, тарбиявий аҳамиятли асарлар, юксак режиссура, маҳоратли ижролар борми? Драматургларимиз бугун қандай мавзулар устида ишламоқдалар? Театр санъатида ўзига хос маҳорат мактабларини яратган улуғ устозларнинг анаъаналари давом этмоқдами? Режиссура қай аҳволда? Театрлар ўз фаолиятларини бугунги шароитга, бугунги томошабин талабларига, жамият ва миллат олдида турган вазифаларга ҳамоҳанг равишда қайта қураётирлармиi? Миллий академик театр мақоми берилган карвонбоши жамоа саҳнасида қай йўналишлар устиворлик қилмоқда?

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги раҳбариятининг театр жамоатчилиги, шу соҳа мутасаддилари, фаоллари билан бўлган учрашувида айни шу масалалар ўта куючаклик билан, айни пайтда ошкора ва самимий танқид руҳида ўртага ташланди. Мулоқотга пойтахт театрлари раҳбарлари, бош режиссёрлар, етакчи актёрлар билан бирга кўплаб ёшлар — эртага ораларидан саҳнамизнинг янги Аброр Ҳидоятовлари, Шукур Бурхонлари, Олим Хўжаевлари, Сора Эшонтўраевалари чиқиши мумкин бўлган ёш истеъдод эгалари ҳам таклиф этилгани айни муддао бўлди. Зеро, ҳар қандай театр саҳнасини устозлар йўлини, анъаналарини давом эттирадиган ёшларсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Мулоқот чоғи театрларимизнинг бугунги аҳволи, эришилаётган ютуқлар, мавжуд камчиликлар рўй-рост кўрсатиб берилди. Умумий эмас, чуқур профессионал таҳлил йўлидан борилди. Яширишнинг ҳожати йўқ, театрларимизнинг бугунги аҳволи кўп жиҳатдан қониқарли эмас. Бугунги куннинг ижтимоий-маънавий қиёфасини ифодалайдиган, томошабинни ўз ортидан эргаштира оладиган бақувват асарлар кам. Айрим жамоалар замоннинг ўткир муаммоларини саҳнага олиб чиқишдан ҳамон тийилиб турибдилар. Янги, ёш истеъдодларга ишонч билдириш, имкон ва ўрин бериш жараёни суст кечмоқда.

Театр мутасаддилари бугун ўз томошабинларини ҳар қачонгидан кўра ҳам яхшироқ билишлари керак. Ким ўзи у, бугунги томошабин? Ёши, ҳаётда тутган ўрни, дунёқараши, маънавий-ахлоқий даражаси, эҳтиёжлари, муаммолари қандай? У нимадан қувонади, нимадан изтиробга тушади, орзу-умидлари қандай? Ютуғи, камчилиги, хатолари нимада? Театр репертуарини шакллантиришда бу саволларнинг конкрет жавоблари ҳисобга олинмас экан, саҳна талқинлари ҳаётий ҳақиқатларга ҳамоҳанг бўлмас экан, томошабин театрга интилмайди, томоша заллари тўлиб-тошмайди.

«Чимилдиқ», «Қаллиқ ўйин», «Суперқайнона» каби спектаклларнинг ютуғи нимада? Ютуқ шундаки, уларда, гарчи ижтимоий фикр салмоғи енгил бўлса-да, ҳаёт ҳақиқати бор, табиийлик, самимийлик, миллийлик бор. Мана шунинг ўзи жиддий хулосага асос бўлиши керак: ҳаёт деганлари биргина чимилдиқ ичидаги лаззатдан иборат эмас. Ташқарида турмуш деганлари ўзининг бор икир-чикирлари билан бўй кўрсатиб турибди. Замон ўзгарди, замонга қўшилиб, одамлар, демакки, томошабин ҳам ўзгарди. Бугун унга баландпарвоз, романтик хаёллардан кўра, конкрет ечимлар, конкрет йўл-йўриқлар зарур. Дунё ўзгариб, мураккаблашиб бораётган экан, ҳаётда ўз ўрнини, ўз йўлини топа билиш фақат ёшлар учунгина эмас, кўпчилигимиз учун ҳам жиддий синов бўлиб қолди. Иккиланганларни, чорраҳаларда туриб қолганларни ўз йўлига солувчи, ўз домига тортувчи қабиҳ ниятли кучлар пайдо бўлди. Буни ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Бундай пайтда маънавий тарбия асло сусаймаслиги керак. Театр санъати бошқа санъатлар қатори, тарбия жиловини ўз қўлига олмоғи даркор. Бу борадаги ҳар бир тадбир, ҳар бир мулоқот натижа берсин, у ёки бу муаммонинг ҳал этилишига асос бўлсин.

Мулоқотда актёрлар, режиссёрлар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари, жумладан улар меҳнатини ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Фидойи, ўз устида тинимсиз ишлайдиган, санъати, маҳорати халққа манзур ижодкорни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш керак, — деб таъкидлади вазир А.Азизхўжаев. — Бошқа йўл йўқ. Театр соҳасида янгича фикрлайдиган, янгича ишлайдиган вақт келди. Буни англамаган жамоа учун томошабин муаммоси бундан буён ҳам муаммолигича қолаверади.

## ЁРУҒ НИЯТ, ЁРУҒ ТУЙҒУЛАР

Баҳорнинг илк қуёшли кунлари эди. Марказий кўргазмалар зали биноси ёқалаб ўтарканман, ёш мусаввира Диана Содиқованинг асарлари намойиш этилаётганига кўзим тушиб қолди. Тасвирий санъатга бўлган қизиқишим сабаб, кўргазмани алоҳида келиб мусаввиранинг 20 га яқин турли мавзулардаги сара асарларни томоша қилдим. Уларнинг Деярли барчасида асарларида ёшликка хос гўзаллик жилваланиб, баҳор қўшиқлари жаранглари. Хуллас, Диана билан танишишни кўнглимга тугиб қўйдим. Яқинда машҳур мусаввира Азиза Маматова билан суҳбатлашиб қолиганимда аёл рассомлар камчиликни ташкил этиши ҳақида фикрлашиб қолдик.

**Давоми бешинчи бетда.**



Газетанинг шу йил 6 август сонида бахши ибораси ҳақида мунозарага чорловчи мақола эълон қилинган эди. Шу борада баъзи фикрларни ўртоқлашишни лозим топдик.

## БАХШИЛИ ЭЛ — БОТИР ЭЛ...

*Акс-садо*

Турк халқларида достон айтувчиларни қадимда **ўзан** (ўзан, ўзмаг — ўзиб кетмак, олдинда борувчи, ақлли шоир) деб юритилган. **Жиров** тушунчасини Маҳмуд Қошғарий қуйидагича ифодалайди: жиров — йирғов, шеър тўқувчи созанда, доно, оқсоқол. Жировлар айтадиган энг севимли жанр бу тўлғовдир (тўлғов — ўйланиш, фикр юритиш). **Ошиқ** баъзи туркшунос (А.Набиев, В.Родлов, М.Тахмасиб) олимларнинг фикрига кўра, «ошиқ» ва «ашула» (Ошила — едир, ҳазм қилдир) сўзларининг асосий ўзаги бир бўлиб, қадимги туркий «ош» ошиламоқ, ҳазм қилдирмоқ, (ўз фикрини, мақсадини, хоҳишини), сингдирмоқ, руҳиятини тўйинтирмоқ иборасига кўпроқ ҳамоҳангдир.

Профессор А.Фитрат таърифича: "Турк мусиқасининг бизда қолғон энг буруңғи сўзлари бахши, ўзан, қўбиз сўзларидир. Бахши сўзининг бурунги маъноси эл шоири, чолғувчисидир. Эл орасинда қўбиз ё дўмбира чалиб, достонлар ўқуб юрган кишилар шоир, чолғучилар бор, биз шуларға бахши деймиз. Ҳолбуки, Навоий замонида бу сўз уйғурча ёзғон котиб маъносида ишлатилар эди. Кўпирлизоданинг "Зич илхони"дан кўчирмасига кўра "Бахшилар ҳар ойда уч кун парҳез тутиб ибодат қилар ва белгили емаклар еярлар эмиш". Демак, булар бир турли фолчи авлиёлар маъносида ишлатилган бўладир".

Қозоқларда ҳам бахши атамаси халқ табибини англатган. Қадимда қозоқ бахшилари қўбиз чалиб руҳларни чақирган. Юқоридаги далилларга таянадиган бўлсак, халқ табобати билан шуғулланувчи (парихон, шаман, фолбин)ларга бахши дейилган ва тахминан XV асрдан кейин ушбу атама достончи-қўшиқчи-шоир сифатида истифода қилинганлигини эҳтимоли бор. Бунга Лутфийнинг "Гул ва Наврўз" достонидаги:

**Янадур ўхшатдим бир яхшилардин,**
**Мўғул савтин билган бахшилардин,** —

деб бахшиларни савт, куй ва қўшиқ билувчилар қаторида келтириб ўтганини кўрсатиш мумкин.

Ислом динининг таъсири остида бундай авлиёсифат коҳин, шаман, бахши, парихон ва фолбинлар замонлар ўтиши билан ўз мавқеларини мулла ва имомларга бўшатиб бера бошлаган. Чунки уларнинг қарашлари, мафкураси ва халқ ичида тутган ўрни ўзига хос. Яъни иккаласи ҳам бир динда бўлиб, бир-бирини инкор қилмаса-да, бошқача ғоя ва бошқача қарашларда бўлганлар.

Бахши атамаси шимолий Ўзбекистон ва туркманларда ҳозирги кунда ҳам ашулачи ва нўянда сифатида гавдаланади.

**Гўянда** — форсча — айтувчи, ҳикоя қилувчи. Бобурномада — "Созандалар соз чалдилар, гўяндалар нома айтдилар" дейилади. Бу ибора ашулачиларга нисбатан Хоразмда ҳозир ҳам ишлатилади.

М.Ауэзов қирғиз манасчиларини икки турга бўлади. Биринчиси, **жомоқчи** — (жомоқ — эртак, ҳикоя), достонни тўлиқ биладиган бадиҳагўй-импровизатор. Иккинчиси, **йирчи** — (йир — жир, қўшиқ), достонларда парчалар айтиб юрадиган қўшиқчилар. Булардан ташқари, соқий, **юзбоши**, аёл достончиларни **қиз бахши, халфа** ва бошқа номлар билан атаганлар.

Кўпчилик туркий халқларда бахши атамаси халқ табобати билан шуғулланувчи шаман, пўрхон (парихон), фолбин, уйғурча ёзувчи котиб маъноларида келадиган бўлса, кейинчалик, жанубий Ўзбекистонда шоир, соқий ва юзбоши тарзида, шимолий Ўзбекистонда эса ашулачи-ҳофиз сифатида қабул қилинган.

Ботир МАТЁҚУБОВ


## ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

**«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»**га 2005 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна баҳоси сиз кутганингиздан анча арзон.

**Нашр кўрсаткичимиз — 222**

Мамлакатимизнинг барча шаҳар, туман ва қишлоқларидаги алоқа бўлимлари ҳамда матбуот тарқатиш муассасаларида сизни кутиб туришибди.

*Обуна чекланмаган.*

**Лотерея ўйнаб кайфиятингиз бузилганидан кўра, "ЎзАС"ни ўқиб бой бўлганингиз яхши!**




## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Композитор Сергей Рахманинов жаҳон мусиқа маданиятига улкан ҳисса қўшган санъаткорлардан биридир. Ўзбекистон давлат консерваториясида шу улуғ ижодкорнинг 100 йиллигига бағишланган концерт бўлди.

Композитор асарларини маҳорат билан ижро этган оркестрга профессор Владимир Неймер дирижёрлик қилди. Халқаро конкурслар лауреати, истеъдодли созанда Элмира Мирқосимова пианинода жўр бўлди.

Ҳ.ИБРОҲИМОВ

* * *

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб Тошкент шаҳридаги 278-мактабда хайрия тадбири ўтказди.

Тадбир чоғида жамғарма қошидаги «Муножот» рақс дастаси маросим томошаларидан иборат концерт дастурини намойиш этди.

«Санъатим жилолари» деб номланган бу концерт Тошкент шаҳридаги 1-Мурувват уйи тарбияланувчиларига ҳам кўрсатилди. Ушбу дастурни янада бойитиб АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида ўтадиган халқаро кўргазмада ҳам намойиш этиш режалаштирилган.

«Мерос-нюс»

* * *

Тошкент давлат санъат институтида «Фан, маданият ва жамият ривожида аёлларнинг роли» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди. Анжуманни очган институт ректори Б.Сайфуллаев аёлларнинг жамиятдаги ўрни ҳақида сўзлади.

Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори, профессор В.Каримова, фалсафа фанлари доктори М.Холматова, Санъат институти ўқитувчилари С.Аҳмедова, М.Кумушева ва бошқалар ёшларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш муаммолари, фуқаролик жамияти қуриш жараёнида хотин-қизларнинг мавқеи, аёлнинг оила ва жамиятдаги роли борасида фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.


"ҒАЛЛАБАНК" ҲАМКОРИНГ БЎЛСА, ҲИСОБДАН АДАШМАЙСАН!

UJB O'ZUYJOYJAMG'ARMABANK Imkoniyat yaratamiz

*Тадқиқот, ахборот*

# "БУ "ГУЛИСТОН" ҲАМИША ПОК НАФАС..."

Буюк форс шоири Шайх Муслиҳиддин Саъдий ҳазратларининг асарлари, шу жумладан, «Гулистон» номли машҳур асарининг қўлёзма, босма нусхалари дунёнинг жуда кўп мўътабар қўлёзма асарлар хазиналари ва кутубхоналарида сақланмоқда. Шулар қатори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзма асарлар хазинасида ҳам Саъдий «Гулистон»ининг анчагина ажойиб нусхалари мавжуд. Улар орасида қадимий қимматли қўлёзма нусхалар ҳам учрайди. Чунки Саъдий асарлари асрлар давомида халқимиз томонидан катта муҳаббат билан ўрганилган, ўқитилган ва ўзбек тилига таржима қилинган.

Буюк ўзбек шоири, тарихнавис олим ва моҳир таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳий жуда кўп асарларни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган. У ўзининг «Таъвиз улошиқин» номли девонининг сўзбошисида қўйидаги маълумотларни келтиради: «Фақирнинг ўзбек тили билан таржима қилган китоблари: «Равзат ус-сафо»нинг иккинчи дафтаридан чаҳорёр изомнинг воқеаси, учланчи дафтари, «Нодирнома», «Зафарнома», «Зубдат улҳикоёт», «Мифтоҳ ут-толибин», «Ахлоқи Муҳсиний», «Восифий», «Насиҳатномаи Кайковус», «Саломон ва Ибсоли Жомий», «Гулистони Саъдий», «Баҳористони Жомий», «Тазкираи Муқимхоний», «Табақоти Акбаршоҳий», «Ҳафт пайкари Низомий», «Ҳашт беҳишти Хисравий», «Юсуф-Зулайхойи Жомий»-ким манзум бўлди». Огаҳий тилга олган бу асарлардан Саъдийнинг «Гулистон» номли асаридан бир неча қўлёзма нусха Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда.

Кейинги даврларда ҳам Шайх Саъдийнинг «Гулистон» асари ўзбек тилига таржима қилинган ва нашр этилган. Улардан бирини араб ва форс тилларини яхши билган, ўз даврининг кўзга кўринган зиёлиларидан тошкентлик олим Мулла Муродхўжа эшон Солиҳхўжа эшон ўғли амалга оширган. Бу асар Тошкентда 1327/1909 йили Ғулом Ҳасан матбаасида изоҳлар ва луғат билан босилган.

Китобнинг аввалги варағига асар номи «Шавқи Гулистон» деб ва чиройли настаълиқ хатида қуйидаги сўзлар ёзилган:

**Гул замони беш-олти кундир, бас,**
**Бу «Гулистон» ҳамиша покнафас.**

Насрдаги матн сўзма-сўз таржима қилинган. Шеърий матн эса шеърий усулда берилган.

Улардан бир мисол келтириб ўтайлик. Форсийда «Ҳукамо гуфтаандки...», «Дуруғи маслаҳатомиз беҳ аз рости фитнаангез» сўзларининг таржимаси ўзбек тилида қуйидагича берилган: «Ҳакимлар демишларки...», «Маслаҳат битирувчи ёлғон яхшидур, фитна қўпорувчи тўғридан».

Бу таржима китобдан бир неча нусха ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг босма китоблар фондида сақланмоқда.

Шу муносабат билан Муродхўжа домла Солиҳий жаноблари ҳақида баъзи маълумотларни келтириб ўтиш фойдали кўринади. У кишининг набираси таниқли тарихчи олим, профессор Темур Ғиёсовнинг ўз бобоси ҳақида берган маълумотларига қараганда, Муродхўжа домла Солиҳий Тошкент шаҳрининг Шайхонтаҳур (Шайх Хованд Таҳур) даҳасида 1870 йили таваллуд топган. Ёшлик чоғларидан бошлаб илм олишга қизиқиб, мадрасада таҳсил олган. Араб, форс ва туркий тилларни яхши ўрганган.

Тарих, ислом ва фиқҳ илмларининг яхши билимдони бўлиб етишган Муродхўжа домла Солиҳий Тошкентдаги Эшонқули Додхоҳ мадрасасида мударрислик қилган.

Халқимиз маърифати йўлида жонбозлик кўрсатган Муродхўжа домла кўп йиллар давомида техникумлар ва мактабларда ўзбек тили ҳамда адабиётидан дарс берган. Домланинг кўплаб шогирдларидан бири — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, педагогика фанлари доктори, профессор Асқар Зуннунов ўз асарида «Домла тил қоидаларини, уни ўқитиш усулларини мукаммал билган устоз эдилар», деб ёзади.

Диний илмлардан ҳам яхши бохабар Шайх Муродхўжа Солиҳий 1943 йили янги таъсис этилган Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идорасининг раиси муфтий Эшон Бобохон ҳазратларининг муовини этиб сайланади. Кексайиб қолганликлари боис 1951 йили нафақага чиқади. 1953 йили вафот этади...

Шайх Саъдий ижодига қизиқиш ўз давридаёқ жуда катта бўлган ва унинг асарлари замондошлари томонидан юқори баҳоланган. Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс», Шайх ул-Ориф Озарийнинг «Жавоҳир ул-асрор» асарларида келтирилган маълумотларга қараганда, Шайх Саъдий кексайиб қолган вақтида Ҳиндистонга боради ва Амир Хусрав Деҳлавий билан учрашиш шарафига муяссар бўлади. Амир Хусрав унга кўп мулозамату илтифотлар кўрсатади. Озарий асарида Амир Хусрав Деҳлавийнинг Шайх Саъдий ижоди ҳақида юксак фикрда бўлганлиги борасидаги эътирофлари ҳам келтирилган.

Хуллас, буюк адиб ва Шарқ классик адабиётининг йирик намояндаси Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ҳазратларининг ижоди асрлар давомида Ўзбекистонда кенг ўрганиб келинган. Келажакда ҳам унинг асарлари халқимиз томонидан севиб ўрганилади.

**Кувомиддин МУНИРОВ,**
**ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими**



**Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги "Файзобод" маҳалласида 91 ёшли Санобархон ая Ғуломова истиқомат қиладилар.**
Суратда: **нуроний онахон эвараси Дилшод**

# НОМЗОД ТАНЛАШДА АДАШМАЙЛИК

Айни кунларда мамлакат парламентининг қуйи палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловга тайёргарлик қизғин. Республика сайлов комиссияси бу сиёсий жараённи халқимизга тушунтириш билан биргаликда Ватан бахти ва келажаги учун ўз кучи ва иқтидорини аямайдиган номзодларга овоз беришга даъват этмоқда.

Аввалги сайловлар давридаги матбуот саҳифаларини кўздан кечирсангиз ёки ўшанда ўз номзодини қўйган айрим даъвогарлар билан бўлган учрашувларни эсга олсангиз, депутат деган юксак номни ўта жўн тушунадиганлар ҳам бу жараёнда "от сурган"лигига иқрор бўласиз. Шунга қарамай, халқимиз улар орасидан энг муносибларига овоз берган эди. Эндиликда ўша сайланган депутатларнинг ўзлари ҳам эл назаридан, синовдан ўтиб бўлди. Кимнинг нимага қодирлигини халқ ўз кўзи билан кўрди. Бироқ куч ва имкониятига ортиқча баҳо бериб, яна бир амаллаб депутат бўлиб қолиш пайида юрганлар ҳам йўқ эмас. "Мен Олий Мажлис йиғинларида йигирмадан ортиқ қонунларни қабул қилишда қатнашдим, — дейди ўз даврини ўтаётган шундай депутатлардан бири. — Уларни тўлиқ ҳаётга жорий этишга ўз ҳиссамни қўшдим." Балки бу депутат яна қайтадан сайлансанглар, сизларнинг хоҳишларингизни рўёбга чиқаришга куч-қудратим етади, демоқчидир?

Бироқ депутатликда муайян тажриба орттирганларга ҳам талаб катта бўлишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Халқимиз бу йилги сайловга ҳар жиҳатдан пухта тараддуд кўрмоқда. У ким учун овоз бериш зарурлигини яхши англаш даражасига етганлиги қувонарлидир.

Бўлажак депутат, аввало, ўқимишли, маданиятли, халқ билан бир қозонда қайнаган, унинг дардини биладиган, қонун тизимини яратиш, таҳлил қилиш каби хислатларни ўзида мужассамлаштирган шахс бўлмоғи даркор. Эртага биз шундай номзодга ўз овозимизни берамиз. Овозимиз билан, қайсидир маънода, тақдиримизни ҳам шу инсон қўлига топширамиз.

Тўғри, сайловчиларнинг ҳам сиёсий онги, тафаккур даражаси ҳар хил. Орамизда сайлов ҳақида умумий тасаввур билан юрган, номзоднинг кимлигини, исм-шарифини илк бор бюллетенда кўриб турган, ҳатто уни қандай тўлдириш кераклигини яхши билмайдиганлар ҳам учраб туради. Бироқ эндиликда улар жуда озчиликни ташкил этади.

Бўлажак сайлов, шубҳасиз, сиёсий ҳаётимизда катта воқеа. Халқимиз ва мамлакатимиз фаровонлиги, юртимиз ободлиги бу сайловда бизнинг нечоғли фаол иштирок этишимизга, муносиб номзодларни танлаб овоз беришимизга боғлиқдир. Шундай экан, декабр ойида бўлиб ўтадиган сайловга барчамиз жиддий ёндашайлик, ўз ҳаётимиз, келажагимиз учун ўзимиз масъул эканлигимизни чуқур ҳис этайлик. Демократик жамиятда яшар эканмиз, асосий ҳуқуқимиздан тўғри фойдаланайлик.

**Жумақул КАРИМ,**
**сайловчи**

*Самарқанд*

# ЁЛҒОНДАН МАҚСАД НИМА?

*Акс-садо*

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг 15 октябр сонидаги «Қош қўяман деб» номли «Мулоҳаза учун мавзу» рукнидаги А.Абдуаҳадовнинг мақоласи айни вақтида ёзилган. Сабаби, шу кунларда мактабларда обуна жараёни давом этмоқда. 5-6-синфлар учун «Тонг юлдузи», 7-8-синфларга «Синфдош», 9-11-синфлар учун эса «Ёш куч» каби газета ва журналларга обуна бўлишни маслаҳат беряпмиз. Чунки бу газета ва журналларда мактаб ҳаёти рўй-рост акс эттирилади. Қолаверса, бу нашрлардаги муаллифлар ўқувчиларнинг ўзлари. Бола эса алдамайди. Афсус, айрим ота-оналар «Қайси газетада теледастур бўлса, шунга ёзила қолгин» ёки «Ўзим ҳар ҳафтада «Даракчи», «Чархпалак» сотиб оламан, дастури ҳам бор, бошқа газета шарт эмас» каби «таклиф»ларни айтадилар.

Негаки, мақола муаллифи таъкидлаганидек, «сариқ матбуот» саҳифаларида «миллий адабиётимиз анъаналарини оёқ ости қилувчи, уятандиша чегараларини бузувчи «ҳикоя»лар... чоп этилаяпти». Теладастур қўшиб сотилгани учун харид қилинган «Чархпалак», «Ҳордиқ» каби нашрларнинг айрим сонларидаги (ҳаммасида деёлмайман) «тўқилган эртак»ларни эса ёшлар ўқияпти. Айрим ўқувчилардан синфдан ташқари қайси адабиётларни ўқидинг, таътилда ўқиган китобларинг ҳақида гапириб бер, деб сўрасангиз, «сариқ матбуот»даги «ҳикоя»лар ҳақида сўзлай бошлайди. Ёки «қандай янгиликлар билан танишдингиз?» деб суриштирсангиз, ваҳимали олди-қочдилардан хабардорлигини англайсиз. Бола нима қилсин, борини ўқийди, борини кўради-да! Энг даҳшатлиси, шундай беҳаё воқеалар баён қилинган ҳикояларни ўқиб, унда «ҳаёт хиёнатдан иборат экан-да, катталар ҳам бир-бирини алдашар экан-да», деган фикр ва гумон пайдо бўлади. Бу гумон эса ҳурматсизликка олиб келади. Бундай пайтда, биз ўқитувчилар, нима қилишимиз керак?

«Сўғдиёна» газетасининг шу йилги 42-сонини варақлаймиз. Н.Раҳмонованинг «Текин ёр излаб» ҳикояси қаҳрамонлари Бону ва Шуҳрат телефондаги суҳбат орқали топишадилар. Шуҳрат ҳатто никоҳ ўқиган домлага ҳам пулни ўзи тўлолмай, келинчакка «сен тўлаб юбор» дейди. Никоҳи ўқилаётган келинчак Бону бунга чидай олмай домла ҳузуридан отилиб чиқиб кетади. Ахир, бу ўзбек йигити ва қизи шаънига тухмат-ку! Ҳўп, шундай пасткаш йигитлар бор ҳам дейлик, аммо ўзбек қизи никоҳгача чуқур ўйламайдими, қолаверса, Бону Шуҳратнинг қилиқларидан хабардор эди-ку! Зебинисо Ҳалимованинг «Келишилмаган учрашув» ҳикоясида эса Бахтигул турмуш ўртоғи Саидазимнинг хиёнатига чидолмай, ўзи ҳам хиёнат кўчасига киради. Муаллиф «Хиёнатга хиёнат билан жавоб қайтариш»ни мардлик деб билади, чоғи.

Айни шу газеталарда юқоридаги «Ҳикоялар» билан бир қаторда таниқли адибаларимиз Турсуной Содиқова, Қутлибека Раҳимбоева ва Гулчеҳра Жамиловаларнинг мақолаларини ҳам ўқиш мумкин. Г.Жамилованинг «Аёлларнинг оиладаги ҳуқуқлари» мақоласида «Рўзғорни бошқариш кимнинг қўлида?» дея савол қўйилади ва «қоп кўтариш», бозорўчар эркаклар зиммасида эканлиги таъкидланади. Қанийди, бу мақолани ўқиб, айрим эркаклар хулоса чиқариб олишса. Қутлибека Раҳимбоеванинг «Бу касб эмас, иснод» мақоласи ҳам куюнчаклик билан ёзилган. Худди шу муаллифнинг «Алла» ҳикояси ёр-ёр, алла каби қўшиқларимиз, унинг сеҳри ҳақидаги, уни ўқиган ўқувчида олима аёлга ачиниш, шу баробарида аллага муҳаббат уйғонади. Г.Жалилованинг «Барибир яхшисиз, эркаклар» мақоласида ҳам шукроналик бор. Мана ўзбек аёлининг ҳақиқий қиёфаси. Газетанинг бир сонидаги ўзбек аёлининг турлича характери, қиёфасини кўриб, бировдан ўрнак олишга, биридан нафратланишга ҳақлисиз. Бизнингча, мутолаа орқали инсоний фазилатлар шаклланиши фойдалироқ бўлса керак.

Яна бир мулоҳаза, хусусуй нашрлардаги ҳикояларда ёлғон кўп, сунъийлик кўп. Назаримизда ҳикоя ёзиш баъзилар учун оддий эрмакка ўхшаб қолган кўринади. Энг ёмони арзимаган бир оғиз сўзга балоғат ёшидаги қиз ёки келин ўзини осиб қўяди, сирка ичади. Ўқувчи бундан нима ибрат олиши мумкин?

**Маҳмуда ВАЛИЕВА,**
**Юнусобод туманидаги 274-мактаб муаллимаси**

# «МУНОСИБ ЕРЛАРГА ЧОПҚУНЧИ ЙИБОРИЛДИ»

## БОБУРНИНГ РАЗВЕДКА МАҲОРАТИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бебаҳо адабий, илмий-назарий асарлари қатори «Бобурнома»нинг ҳам ўрганилмаган тарафлари, қирралари шунчалар кўпки, уларни бугунги авлодга етказиш ўтмишдаги қадриятларимизни тиклаш, ундан баҳраманд бўлиш, ёшларда юксак ватанпарварлик руҳиятини тарбиялаш каби долзарб масалаларда алоҳида ўрин тутади.

Бобурнинг муҳораба майдонидаги ғалабаларини таъминлаган омиллардан бири, балки энг муҳими, унинг разведка хизматидан фойдаланиш қобилиятидир. Айни шу маҳорат минглаб лашкарларни ўлим балосидан асрашда, урушни ўз фойдасига ҳал қилишда, қолаверса, атрофидаги кишилар руҳияти, шахсиятини янада яхшироқ англашида, душман нияти — сир-асроридан аввалроқ воқиф бўлишда Бобурга қўл келган.

Таъкидлаш жоизки, разведка хизмати тарихи узоқ ўтмишларга бориб тақалади. Ундан оқилона, тактик жиҳатдан пишиқ фойдаланган шахсгина юксак натижаларга эришган.

Шоҳ ва саркарда Бобурнинг юксак мантиқий таҳлили, уруш шароитини яхши англаши, яшиндек тез хулосага келиши, разведка хизматига ўз фурсатида мурожаат этиши ва қарийб адашмаганлиги кишини ҳайратга солади. «Бобурнома»дан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

1503-1504 йилги воқеалар. Бобур Мовароуннаҳрдан ноумид бўлиб, Кобулга юз тутган, Ҳисор вилоятининг Илоқ яйловларини кезиб, тақдир бундан кейин унга не кунларни раво кўришини ўй-хаёллардан ўтказаётган мураккаб давр, борйўғи «ушбу юртта йигирма уч ёшнинг ибтидосида юзумга устара қўйдум» деб навқирон йигитлигига урғу берган пайти. Ёш Бобур бу юртларда ҳукмронлик қилаётган Ҳисор беги, кейинроқ ўзининг ашаддий душмани бўлган Хисравшоҳ ва унинг салтанати ҳақида маълумотга эга бўлиш учун Мулло Бобойи Пашоғарийни «элчиликка» юборади. Бобурнинг бундан мақсади элчи йўллашгина эмас, зарур маълумотга эга бўлиш эди. Лекин, Бобурнинг таъкидлашича, Пашоғарий «кўнгулга ёққудек сўз келтурмади». Аслида, Пашоғарий жудаям қуруқ қайтмаган. У одамлар орасида бўлиб, айрим зарур маълумотларни етказган: ***«вале эл ва улусдин сўзлар келтурди».***

Ўша вақтда Бобур ўз лашкарларининг кўп қисмидан айрилган, 200-300 аскар ва беклари билан қолиб, ҳимояга ўта муҳтож эди. Бу пайтда темурий шаҳзодалар ва уларнинг беклари орасида лашкарларининг бир бек ёки султондан иккинчисига гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтиши оддий ҳол бўлган. Бунда иқтисодий, маънавий, маиший жиҳатлар, албатта, омон қолиб лашкар сафида бўлиш масаласи асосий омиллардан бўлган. Шу боис Бобур учун Хисравшоҳ лашкарларининг кайфиятини билиш муҳим бўлган ва у бу вазифани разведка хизматига юклаган. Лекин натижадан унчалик кўнгли тўлмаган. Зарур маълумотга эга бўла олмаган Бобур ноилож Коҳмард ва Бомиён томонга равона бўлади.

Яна бир мисол Хисравшоҳнинг иниси Боқи Чағониёнийнинг Бобурга етказган разведка хабари билан боғлиқ. Афғонистонда ўз ҳукмронлиги асосини солаётган Бобур бегона юртдаги шаҳар, қишлоқ, ўрмонзор, кўча ва пасткўча, дарё ва сойлар хусусиятини жуда синчковлик билан ўрганади. Айниқса, бу лашкар хавфсизлиги, салтанат тақдири билан боғлиқ бўлса, Бобурнинг синчковлик қобилияти янада ошган, эҳтиёт чораларини кўришга киришган. Ҳали Бобурнинг Кобул ҳокимияти мустаҳкам шаклланмаган бир пайтда, атрофидаги дўстлари ҳам душман рафторини қилганда уларнинг ҳар бир ҳаракатини ўрганиш, кейин хулоса чиқариш бениҳоя муҳим эди. Шу даврда Бобурга нисбатан ёвқарашда бўлган Боқи Чағониёний «арзға еткурдиким, сув кечмай ушбу ердин (яъни Кўракатутдан – қавс ичидаги баъзи изоҳлар муаллифники), қўнуб, Кўҳат отлуқ ерга борса бўлур эмиш...» Бироқ Бобур бу хабарга унчалик ишонмади. Чағониёний Бобурни ишонтириш мақсадида бир неча айғоқчи кобулийларни олиб келади. Тундан кейин бир қадар ишонган бўлса-да, ушбу маълумотга таяниб уюштирган ҳужумдан Бобурнинг кўнгли тўлмайди: «Боқи Чағониёний арзга еткургандек НИМА черик элига тушмади. Боқибек бу саъйдин шармандароқ бўлди». Бу разведка маълумотлари кундалик ҳарбий амалиётлардан бирига хизмат қилган бўлса-да, Бобур бу масалага жуда жиддий ёндашган.

1528 йил воқеалари. Заҳириддин Бобур Ҳиндистонда Иброҳим Лўдийнинг юз мингдан ортиқ лашкарини енгган. Бу узоқ ўлкаларда Амир Темур империясини тиклашдек орзуси амалга ошганлигидан шод бўлган даври. Бироқ бу пайтда унинг ҳукми Ҳиндистоннинг барча ўлкаларига тўлиқ ўтмас, қаршилик кўрсатаётган ҳинд рожалари, лашкар бошлиқлари ҳали анча ташвишлар орттирар эди. Бу вақтда Бобурнинг ҳарбий маҳорати етилган, у юрт олиш учун ҳар бир хабар, маълумотдан борган сари унумли фойдаланар, ҳинд ерида тезроқ мустаҳкам, ҳар қандай ихтилофлардан холи давлатни тузишга ошиқар эди. Ана шундай пайтда Бобур шерикларининг олдига, Кўҳ деган жойга кема билан етиб келади. Унинг кайфияти яхши, руҳи ғалабалар нашидасидан кўтаринки эди. Уруш оралиғида, исёнчи ҳиндулар, афғонларнинг тўсатдан қиладиган ҳужумлари вазиятида у курашчилар мусобақасини ўтказган, ҳатто бу спорт тадбири янада жонли ўтишини истаб, ўзи таъкидлаганидек, «хилофи қоида» «аввал зўрроқларни» майдонга чорлаган. Хуллас, бу пайт Бобур руҳиятида кам содир бўладиган хурсандлик дами бўлган.

Бироқ бу кайфиятни Султон Муҳаммад бахши келтирган разведка маълумоти ўзгартиради. Ҳаёт нашидасидан сармаст Бобур ўша заҳотиёқ шоҳ Бобурга айланади. Шу жараёнда «Султон Искандарнинг ўғли Маҳмудхоннингким, Султон Маҳмуд дерлар эди, БУЗУЛҒОНИНИНГ хабарини келтурур». Демак, Бобурнинг разведкаси олдин унинг томонига ўтган Султон Маҳмудхоннинг «бузулғонини» етказган, яъни у ўз ваъдасидан қайтиб, Бобурга нисбатан душманлик кайфиятини ихтиёр этган. Бу хабар «намози дигар»да — кун қорайгунча етиб келган. Келаси куни «намози пешин» (куннинг ярми)да Бобур бу маълумотга ишонқирамай разведкага бошқа кишини юборади ва у ҳам айни хабарни келтиради. Бобур ёзади: «Икки намоз орасида Тожихон Сарангхонийнинг арзадошти ҳам *жосус хабариға мувофиқ* келур. Бу кайфиятларни Султон Муҳаммад келиб арзға еткурди». Ушбу маълумотномалардан сўнг «Бобурнома»да бу ердаги муҳорабанинг айрим деталлари баён қилинади, Банорасга ўтган афғонларнинг шикаст топганлиги ҳақида сўз боради. Аслида, бу ҳол курашларнинг бир кунлик лаҳзаси, холос. Аммо, шунга қарамай, Бобур ўз хабарчилари — разведкачилар келтирган маълумотларга катта эътибор билан қараган.

1507-1508 йилларни Бобур сиёсий қарашларининг энг масъулиятли даври, десак бўлади. Кобулда ўз сиёсий ҳукмронлигини мустаҳкамлаган Бобур Ҳиндистонга юзланади. Ўзининг айтишича, «Жумоидулаввал ойи Кобулдин Ҳиндустон азимати била кўчилди». Ана шу бир жумла доирасида Бобурнинг янги саргардонлик тақдири, ўзининг иқрорича «не бормоққа ери муқаррар, не турмоққа юрте муайян, юқори-қуйи яна бир ХАБАР ОЛҒУНЧА юрт тоза қилиб кўчилур эди». Бунда Бобур аниқ қилиб разведка хизмати, унинг ишончли хабарини олмагунча бошқа ерларни ўз тасарруфига киритишга шошилмаганлигини айтмоқда. Унинг бу тактикаси, ҳарбий истеъдоди кейинроқ Ҳиндистон муҳорабаларида жуда қўл келган.

1507-1509 йил воқеалари. Бобур Кобулдан ҳозирги Жалолобод вилояти — Нингнаҳордан Ҳиндистон томон борар экан, жуда кўп афғон тўдаларига дуч келади, улар билан муҳорабалар олиб боради. Бу жараёнда ҳам Бобур разведка хизматига мурожаат этади. «Бобурнома»дан маълумки, Бобур учун энг муҳими, лашкарни эмин тутиш билан бирга уни озиқ-овқат, турар жой, чорва, отларни емиш билан таъминлаш бўлган. Армиянинг, салтанатининг озиқ-овқати масаласи ҳамиша биринчи галдаги вазифалардан саналган. Бобур Нингнаҳор туманидаги Одинапур қўрғонига яқинлашганида айнан егулик маҳсулот, айниқса, шоли танқислигига дуч келади. Кеч куз пайтида эса шоли деҳқонлар томонидан йиғиштириб олинган, далаларда айтарлик ҳосил қолмаган. Бобур ёзади: «Кеч куз эди. Шолини тузларда аксар кўтариб эдилар. *Ер билур кишилар арзга еткурдиларким,* Алишанг туманининг руди юқори мил канори шолини қалин экарлар. Черикка қишлиқ ошлиқ эҳтимоли борким, андин ҳосил бўлғай.» (Ҳақиқатда, Алишанг тоғликда жойлашган бўлиб, унинг тепароқ қисмида шоли экини кеч пишади. Ушбу сатрлар муаллифи Афғонистон Жалолободининг бу мавзеида бўлиб, у ерда жуда юқори навли шолилар етиштирилишига гувоҳ бўлган). Бу ҳолатда разведка хизмати кўзланган натижани берган: «Нингнаҳор жилғасидан отланиб, илдам келиб, Сойгилдин ўтиб, Пуройин дарасиғача борилди, *қалин шоли черик эли олдилар.»*

Мана бу мисол ҳам Бобурнинг ҳарбий-стратегик режалари билан боғлиқ. Воқеа Афғонистон ерларида, феврал ойининг ўрталарида содир бўлган. 1509-1510 йилнинг бу қиши анча кеч келиб, Бобурга черикнинг озиқ-овқати ташвиши ором бермаётган пайт. У ёзади: «Сешанба куни ойнинг еттисида бекларни ва дилазак афғонлари улуғларини тилаб, кенгашиб, сўзни мунга қўйулдиким, йил охир бўлубтур, ҳутға бир-икки кун қолибтур, туздаги ошлиқни тамом кўтарибтурлар. Бу фурсатта Саводқа борсак, черик эли ошлиқ топмай танқислиқ бўлғусидур». Бобур ўзининг лашкарлари билан жуда машаққатли довон, адирларни кезиб охири Панкйалий деган жойга тушадилар. Маҳаллий шароитни билиш, кейингина бир қарорга келиш учун Бобур «Ўғонбердини бир неча киши била тил олғали илгаррак» юборади. Бироқ, Ўғонберди ҳам бу гал «кўнгул тилагудек таҳқиқ хабар келтурмади». Албатта, бу ҳол Бобурни қаноатлантирмаган. У яна разведка хизматига мурожаат этади: «Офтоб бир найза бўйи чиққанда Рустам туркманниким, қаравулликқа йиборилиб эди, хабар келтурдиким, афғонлар хабардор бўлиб, қўзғолишибтурлар». Бобурнинг бу галги хабарчилари аниқ маълумот олиб келмаганларидан сўнг, у таваккал қилиб ҳужумга ўтади, ғанимларининг «бир пора асир ва ўй ва галаларини» қўлга киритади. Бобурнинг шу жойдаги бошқа разведка маълумотини олиши у билан кураш олиб бораётган афғон саркардаларининг умумий ҳолати ҳақида бўлиб, унинг энди, қайси йўлни танлаши учун муҳим эди. Аслини олганда, худди шу фурсатларда, афғон ерларини унча яхши тасаввур этмаган Бобур учун бундай хабарлар зарур ва разведка хизматининг асосий вазифаларидан бўлган. Бу маълумотлар юзаки қараганда жўнроқ кўринса-да, аслида Бобур ва унинг лашкарларини ўлимдан сақлаган, озиқ-овқатли мавзеларга етаклаган, кимга қарши курашишни олдиндан белгилаб берган. Бобур ўзи учун умр мазмунининг асоси бўлган қарор — Ҳиндистон юришига: айни шу маълумотларга эга бўлганидан кейингина азм қилган: «Бажавардинким, ёнилди, Бхира хаёли била ёнилиб эди, то Кобулға келиб эдук, ҳамиша Ҳиндустон юриши хаёлида эдук».

Мана бу мисол эса Бобурга бевосита уруш майдонида, унинг ҳал этувчи палласида разведка нечоғли қўл келганини кўрсатади. Бемалол айтиш мумкинки, Ҳиндистонни эгаллашдаги бу якуний уруш муваффақияти, имкон қадар Бобур лашкарлари учун кам талафот билан якунланганлиги ана шу разведка маълумотларининг натижаси билан ҳам боғлиқ. Чунки биз «Бобурнома»нинг бирон саҳифасида Бобурнинг бунчалик кўп, устма-уст хабарчиларини маълумот йиғиш учун юборганини, разведка маълумоти муҳораба ютуғининг бош омили эканлигига бу қадар аниқ баҳо берилганини кўрмадик.

Бобур ёзади: «Шанба куни жумодиул аввал ойининг ўн тўртида Агра навоҳисидин кўчуб, чоҳлар қозилғон юртқа келиб тушулди.:. ***Дарвеш Муҳаммад сорбон била Қисмтойким, Байанаға бориб келиб, ер-сувни билиб эди, илгари Секрий кўлининг ёқасида юрт кўра йиборилди. Келиб, юртта тушуб, Маҳдий Хожаға, Байанадағиларға киши чоптирулдиким, бетавақкуф келиб, қўшулғайлар».***

Демак, Бобур бу муҳорабага киргунга қадар уч марта разведка хизматига мурожаат этган. Унинг хабарчилари бу ернинг рельефи, сув заҳираси, ҳолатини «кўруб-билиб» келишлари зарур эди. Бунда маълумот тўлақонлилигини таъминлаш, шубҳага ўрин қолдирмаслик топширилган. Бинобарин, хатоликка йўл қўйиш урушда енгилиш билан баробар бўлган. Бобур маълумотни олиб, қаноат ҳосил қилгандан сўнг тез хулосага келади: «...бетавақкуф келиб қўшилғайлар». Яъни заҳирадаги қўшинлар унга келиб қўшилишини амр қилган. Шундан кейин ҳам кўнгли тўлмаган Бобур яна разведкадан фойдаланади ва ана шу хабардин кейин ва бу ерда жанг олиб боришга оид тайёргарлик ишларини якунига етказади. Чунки хабарчиларнинг маълумотига биноан заҳира кучлари унга етиб келади, душманнинг қаерга, қайси масофада келиб тушганлигидан огоҳ бўлади ва шунга қараб керакли жойларда қоровулларни тайинлайди: «Ҳумоюннинг навкари Бек Мирак мўғулни бир неча йигит била кофирдин хабар олғали йиборилди. Кечасига бориб, хабар олиб, тонгласи хабар келтурдиларким, ғаним кишиси Бусовардин бир куруҳ илгаррак келиб тушган эмиш. Ҳам ушбу кун Маҳдий Хожа ва Муҳаммад Султон мирзо ва Байанадағи илғор келиб қўшулдилар. Беклар навбат била қаравулликқа таъйин бўлдилар».

Заҳириддин Бобур муҳорабада ҳар қандай хатолик ёмон оқибатларга олиб келишини алоҳида таъкидлаган. Юқоридаги матндан кўринадики, Бобур разведка маълумотлари асосида ҳар бир бекни ўз лашкари билан маълум вақт ва манзилда қоровулликка тайин этган. Аммо, бу маълумотларга эътибор бермаган Абдулазиз бек жуда катта хатоликка йўл қўяди, ўзини ва лашкарини хавф остида қолдириб, уларнинг айримларидан айрилади, сафдошларини ҳам чалғитиб, уларнинг бошига турли кулфатлар ёғилишига сабаб бўлади. Ана шу мисолнинг ўзи ҳам Бобурнинг разведка маълумотларига нақадар эътибор бергани, унга ўзи амал қилгани, қаламравида бу тартибни бузганларга муросасиз бўлгани далилидир. Зеро, Абдулазизнинг шу хатоси жуда катта муҳорабага ҳозирлик кўраётган Бобурнинг режаларини бузади, Муҳаммад Али жанг-жанг каби лашкарбошисини бу жангга киритишга мажбур бўлади.

Мана бу мисол Бобурнинг Иброҳим Лўдий билан олиб борган курашининг дастлабки пайтига таалluқли. У Иброҳим Лўдий аскарлари ҳолати, унга ким дўст, ким ғаним эканлигини билиш, «таҳқиқ қилиб» келишни разведка хизматига буюради ва маълумот ишонарли бўлиши зарурлигини алоҳида таъкидлайди: «Сиялкоттин Шоҳим Нурбекни ҳам Лаҳур бекларига чоптирулдиким, ёғий не ерда эканин ***таҳқиқ қилиб, қайда қотилурларини соҳибвуқуф кишидин билиб, айтиб йиборсунлар».***

Бобур ўз юрти ва бошқа ерли савдогарлар орқали ҳам разведка маълумотлари олишга интилган. Албатта, бу усул янгилик эмас. Савдогарлар ҳукмдорлар учун ҳамиша зарур маълумотлар етказиб туришган. Бироқ Бобурнинг бу галги мақсади аниқ нишонга теккан. У Иброҳим Лўдий ҳақида жуда муҳим маълумотга эга бўлади. Оламхоннинг Иброҳимга қарши туриши, Хуросонда эса кўчманчи ўзбаклар Балхни муҳосара қилганликлари ҳақида маълумот олади ва зудлик билан қатъий қарорга келади: «Оламхонға Ҳиндустон сари рухсат бериб, ўзумуз Балх устига отландук».

Қуйидаги мисоллар юқоридагидек катта сиёсий аҳамиятга молик бўлмаса-да, муҳораба тақдирини белгилашда муҳим ўрин эгаллаган. 1525 йилги муҳорабалар Бобурни анчагина чарчатган бўлса ҳам, ёнида тўнғич ўғли Ҳумоюн мардонавор курашиб, кўпгина асирларни, қўлга киритилган филларни олиб келиб мулозамат қилганлиги унинг руҳиятини кўтарган эди. Лекин Бобур рақиби Иброҳим Лўдийнинг сир-асроридан, ҳарбий имкониятидан кенгроқ хабардор бўлишни мақсад қилар экан, қандай бўлмасин, душман орасидан «тил» олиб келишни буюради: «Ул юрттан кўчуб, Шоҳобод келдук. *Тил тутар учун Султон Иброҳимнинг ўрдусиға киши йибориб*, неча кун бу юртта тавақкуф бўлди». Демак, Бобур ҳатто разведка хабарини кутиб, бу жойда бир неча кун қолиб кетган. Унинг бу сабри ўз натижасини берган. У лашкарлари ва сафдошлари билан хавфсиз йўлни танлаб ҳаракат қилган. Лекин бу жойга етиб келган заҳоти яна бир кишисини разведкага, яна «тил» тутиб келишга жўнатган: «Иброҳимнинг ўрдусидин ҳам мутавотир хабарлар кела бошладиким, бир куруҳ-икки куруҳ кўчуб ҳар юртта икки-уч кун мақом қила-қила келадур. Биз ҳам мутаважжиҳ бўлуб, Шоҳободдин ора икки қўнуб, Жуун дарёсининг ёқосиға Сарсава тўғриси келиб туштук. Хожа Калоннинг навкари Ҳайдарқулини тил тута йиборилди».

Бобурнинг бу галги тиришқоқлиги, мақсад сари интилиши, юксак разведка қобилияти зарур натижани берган. Ҳайдарқули келтирган хабар Иброҳим Лўдий билан бўлган жанг муваффақиятини таъминлаган. Бу хабарда душманнинг ҳарбий имконияти, армия сафларининг жойланиши ва сони, лашкарлар орасидаги ўзаро муносабат, ҳатто уларнинг қайси ҳолатда ўтириб-туришларигача тафсилоти билан етказилган эди. Бобур ушбу маълумотни олар экан, ҳужумга ўтиб, ўзининг энг кўзга кўринган сарлашкарлари Чин Темур Султон, Муҳаммад Султон, Султоним Жунайд, Мир Ҳусайн ва бошқаларни бу муҳорабага сафарбар этади. Натижа унинг кўнглидагидан ҳам яхши бўлади. Бобур муҳорабаларда жуда катта ютуққа эришади, ўзи ташаббус кўрсатиб Уста Алиқули тўпчи билан яратган тўпларини ишга солиб, Иброҳим Лўдий устидан мутлақ ғалаба қозонади. Бу натижаларни қўлга киритишда, албатта, бевосита унинг разведкага оид қобилиятининг ҳам муҳим ҳиссаси бўлган.

Аждодларимизнинг ҳарбий салоҳияти тарихини ўрганиш ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини уйғотишда алоҳида аҳмиятга эга. Бинобарин, миллатимизнинг ҳарбий тарихи деярли ўрганилган эмас. Биргина Бобур ҳарбий маҳорати кўплаб тадқиқотларга етарли материал бера олади. Бу масалаларни Бобурнинг моҳир адиб, шоир, олим, энциклопедик билим соҳиби сифатлари билан ҳамоҳанг ўрганиш, айниқса, янада катта самара беради.

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,**
**филология фанлари доктори**

Озод ШАРАФИДДИНОВ

# МИЛЛАТНИ УЙҒОТГАН АДИБ

Боши биринчи бетда.

Уч-тўрт тўлғонганимдан кейин, англадимки, бугунги тун ҳали охиргиси эмас экан. Шундай қилиб, ажалнинг кўзига тик қараб, алахсираб ётган одам Худонинг қудрати билан яна бир марта ўлимдан қолганига ишондим ва тонгга яқин ухлаб қолдим. Эртасига оғриқ камайди. Профессор Бобожонов ва профессор Тефаев бошлиқ врачлар ва ҳамширалар кўплашиб, жонимга оро киришди. Мен тунги воқеани Тефаевга гапириб бердим. У ўрнидан туриб палатадан чиқиб кетди-да, зум ўтмай, бир даста қоғоз кўтариб келди. «Мана қоғоз. Аста-аста, кучингиз етган қадар ёзиб туринг». Мен яна ўйлашга тушдим. Энди яна адабиёт ҳақида, Ойбек тўғрисида ёзилажак мақола ҳақида фикрлай бошладим. Унинг шеърлари насрий асарларини эслатди. Албатта, унинг йигирма жилдга жо бўлган роман ва қиссаларини, шеър ва достонларини бирваракайига эслашнинг имкони йўқ эди. Шунинг учун биринчи навбатда ўзим ёқтириб келган «Қутлуғ қон» ва «Навоий» романини эсладим, ҳатто баъзи саҳифаларини қайта ўқиб чиқдим. Шунда ғалати бир ҳол рўй берди — илгаридан таниш бўлган саҳифалар бирдан бошқача салобат касб этди, уларнинг рангин қирралари кўз ўнгимда ўзгача бир тароват билан жилоланди. Менга аён бўлдики, ўзбек романлари ичида олтинчиси ва еттинчиси бўлиб майдонга келган бу асарлар мазмун жиҳатидан ҳам, бадиият жиҳатидан ҳам жаҳоннинг ҳеч қайси асаридан қолишмайди. Улар фавқулодда зўр истеъдод билан яратилган баркамол асарлар эди. Шундан қирқ йилча аввал университетдаги математик дўстларим билан бўлиб ўтган бир баҳс эсимга тушди. Синчков математик дўстим «Қани айтгин-чи, ҳозирда ўзбек романларидан қайси бири XXI асрга ўтади?» деб сўраб қолди. Мен бу тўғрида ўйламаган эканман — дабдурустдан нима дейишимни билмай қолдим. Кейин ҳушимни йиғиштириб олиб, «Навоий» романи», деб жавоб бердим. «Шунақами? Билмадим-ов», деди дўстим ишонқирамай. Буни қарангки, адашмаган эканман. Лекин ўшанда «Қутлуғ қон»ни ҳам қўшиб айтишга тилим бормаган эди — адашган эканман. «Қутлуғ қон» бугун, XXI асрда ҳам яшашда давом этяпти.



***Бу суратни адиб Саид Аҳмад олган. Кўриниб турибдики, агар у ёзувчи бўлмаганида сураткашлик билан ҳам тирикчилик қилса бўларди. Бу сурат эълон қилинганми йўқми билмайман. Уни Саид Аҳмад менга тақдим этган эди. Мана, 64 йилки, мен уни авайлаб-асраб келаман. Назаримда, суратчи адибнинг фазилатларини, маънавий дунёсини яхши ифодалаган. Суратда ўзининг ҳақлигига ишонган, пок виждон, ҳалол одамга хос хотиржамлик ва ички ғурур яхши ифодаланган.***

*(Мақола муаллифининг изоҳи.)*

Хўш, бу романга қандай омиллар умрбоқийлик бахш этган — қайси сифатлари уни ўзбек романлари ичида энг баркамолидан бирига айлантирган? Умуман, ўзбек адабиётшунослари романнинг фазилатларини анча батафсил таҳлил қилишган — уларни бу ўринда яна бир марта такрорлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Мен фақат айрим ўринларгагина диққатни жалб қилмоқчиман.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, роман том маънода реалистик асардир. Унда фақат Йўлчи, Мирзакаримбой каби етакчи қаҳрамонларгина эмас, бошқа иккинчи даражали персонажлар ҳам ғоятда мукаммал ишланган — уларнинг ҳаммаси ўзининг бетакрор белгиларига эга. Романда улар қандай ўрин тутишларидан қатъи назар, бир умрга китобхон хотирасида муҳрланиб қолади. Табиийки, ёзувчи улар ўртасида Йўлчига алоҳида ўрин беради, уни бениҳоя илиқ меҳр билан тасвирлайди. Сюжет ривожида Йўлчи характери аста-секин очила боради ва ундаги фазилатлар маржондек тизилиб, Йўлчининг ички дунёсини тугал очиб беради. У кўп фазилатлар эгаси, лекин бу уни идеал образга айлантирмайди. Муаллифнинг маҳорати шундаки, у Йўлчи образини тасвирлашда романтик чизгилар ва рангларни бемалол ишлатишдан чўчимайди, лекин айни чоғда ҳеч бир нуқтада реализм қонунларидан бирон марта ҳам чекинмайди. Натижада мардлик, тантилик, маънавий юксаклик, жасорат, теран ақл-идрок, олижаноблик каби сифатлар ғоятда ҳаётий тарзда тасвирланади. Умуман, табиий шаклда намоён бўладиган ҳаётийлик муаллиф услубининг етакчи фазилатини ташкил қилади. Натижада Йўлчи шунчаки бир шахс сифатида эмас, бутун ўзбек халқининг тимсоли сифатида гавдаланади. Унинг эволюцияси, қишлоқдан келиб шаҳар муҳитини кашф этганки, XXI аср бошидаги ўзбеклар ўртасида бошланган янги уйғониш жараёнини ўзида акс эттиради. Йўлчи ўзининг ҳаётий принциплари Мирзакаримбойлар дунёсининг ахлоқига тубдан зид эканини англайди, ўзининг маънавий-ахлоқий ақидалари беқиёс даражада юксак эканини идрок этади. Китобхон муаллиф билан бирга келажак Йўлчиларники деган эътиқодга келади. Ҳаёт қозонида обдон қайнаган Йўлчи жисмонан ҳалок бўлса-да, маънавий жиҳатдан ғолиб чиқади. У том маънода уйғонади, бу уйғониш эса миллий уйғонишнинг бир босқичи эди.

Худди шунга ўхшаб, «Навоий» романида ҳам муаллиф буюк шоир характерини яратиш билан чекланмайди, балки XV асрдаги ижтимоий муҳитни ҳам жамики ички зиддиятлари ва мураккаблиги билан кўрсатади. Бироқ бу романнинг маърифий аҳамияти ҳам каттадир. Ўтган асрнинг 40-йилларида — Навоий таваллудининг 500 йиллигини нишонлашга қарор қилинганда, ҳали халқ Навоий сиймоси билан унчалик таниш эмас эди. Хондамир, Восифий каби ўтган улуғ муаррихларнинг асарларини ҳисобга олмаганда, Алишер Навоий ҳақида маълумот берадиган тайинли асарлар йўқ эди. Бунинг устига яқиндагина ёзувини ўзгартириб, ёппасига саводсизга айланган халқ учун унинг тиши ўтадиган ёзувда Навоий асарлари нашр этилганча йўқ эди. Хуллас, Ойбек романи кенг халқ оммасига Навоийнинг сиймоси, қиёфаси ва ижоди ҳақида, айтиш мумкинки, илк марта атрофлича тасаввур берар эди. Ҳатто қай бир нуқталарда биз бугунга қадар ҳам Навоийни шу роман орқали тасаввур қиламиз.

Бу романда ҳам олис Ҳиротнинг ҳаёти бениҳоя аниқ ва қабариқ ҳолда тасвирланади ва Ойбек Навоий характерини яратар экан, биринчи навбатда, унинг буюк гуманист эканига, нафақат санъаткор, балки мутафаккир сифатидаги қарашларини ифодалашга алоҳида аҳамият беради. Натижада, ўша пайтдаги атама билан айтганда, Чиғатой улуси, яъни бугунги ўзбекларнинг боболари, бошқача айтганда, буюк бобомиз Амир Темурнинг бевосита авлодлари жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшган, жаҳон гуманизмининг шаклланишида фавқулодда катта ўрин тутган, юксак маданият эгаси, ёрқин интеллектуал салоҳияти билан кўриниб турган халқ бўлгани очиб берилган.

Навоий образини бундай талқин қилиш ҳам ғоятда катта аҳамиятга эга эди — бу ҳам бевосита миллатни уйғотишда жуда муҳим рол ўйнайди. Шулар билан бирга «Қутлуғ қон» ва «Навоий» романларининг аҳамияти билан чекланмайди. Менинг назаримда, Ойбек нафақат санъаткор сифатида, балки мутафаккир олим сифатида ўзбеклар тарихининг ички оқимларига чуқур нигоҳ ташлайди, бу тарих ҳудудий жиҳатдан ҳам, хронологик жиҳатдан ҳам ўзбеклар тарихи тарқоқдек, парчаланиб кетгандек кўринса-да, аслида бир халқнинг тарихи бўлганини кўрсатади, бу бўлакларнинг мантиқан боғлаб турадиган ришталарини топади. Албатта, буни у ошкора тарзда, яққол кўриниб турадиган шаклда қилган эмас, у шароитда бундай қилишнинг имкони ҳам йўқ эди, ўз миллатини улуғлаш, унинг ижобий сифатларини мадҳ этиш бутун дунёда ижобий ҳодиса деб қаралса-да, бизнинг шўро мамлакатида бу миллатчилик деб ҳисобланар ва бу йўлга кирган ҳар қандай фикрловчи одам даҳшатли таъқиблар хавфига ва ҳатто жисмонан фаол ҳаётдан четлаштириш хавфига ҳам рўпара келар эди. Шунинг учун миллатни уйғотишга, миллий онгни ўстиришга, халқни ўз-ўзини танишига йўналтирилган ҳаракатлар кўп ҳолларда эзоп тилида, рамзий шаклларда олиб бориларди.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш керак — бугун ҳаммамиз «миллат», «миллий онг», «миллатнинг уйғониши» каби ибораларни ҳеч тортинмасдан бемалол қўллаяпмиз. Албатта, бу ҳам мустақиллигимизнинг шарофати, миллий эркинлигимизнинг ҳосиласидир. Истиқлол бизга тарихимизни қайтариб берди ва миллий онгимиз, миллий уйғонишимиз тўғрисида ҳақиқатни айтишга, ҳаққоний фикрлашга имкон берди. Бугун биз шу имконият туфайли узоқ ўтмишда ва нисбатан яқин тарихда яратилган буюк маънавий қадриятларимизга эга бўлдик. Бу ишда бошқа олимларимиз ва адибларимиз қаторида Ойбекнинг хизматлари чиндан ҳам буюкдир. Шунинг учун халқимиз бу адибни «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлаганини катта мамнуният билан қабул қилди.

* * *

Миллатни уйғотиш салоҳиятига эга бўлган адиб фавқулодда бадиий қимматга эга бўлган асарлар яратишдан ташқари, юксак инсоний фазилатларга ҳам эга бўлмоғи зарур. Назаримда, Ойбек ана шундай инсон эди. Эҳтимол, бироз муболаға бўлар, лекин ўйлайманки ёзувчилар орасида XX асрда иккита комил инсон ўтган бўлса, уларнинг бири Ойбекдир, агар битта бўлган бўлса, у ҳам Ойбекдир. Минг афсуски, менга Ойбек билан етарли даражада мулоқотда бўлиш насиб этмади. Шунинг учун мен унинг шахсий одатларини, ички дунёсини етарлича тасаввур қилолмайман. Бироқ Ойбек билан бирга ўқиган Ҳомил Ёқубовга ва Субутой Долимовларнинг эслашларига қараганда, у техникумда талабалик вақтида ўқувчилар ўртасида жуда катта ҳурматга эга бўлган. У талабалар ичида ҳар нарсага қизиқувчанлиги билан ажралиб турган. У ғоятда ташаббускор бўлган — ҳар хил баҳслар, адабий кечалар, шеърхонликларга бош-қош бўлган. Ойбекни билганлар унинг ақл-заковати теран бўлганини айтишади. Шу билан бирга, унинг характерида ижтимоий адолат туйғуси кучли бўлган. Маълумки, ҳар қандай жамиятда ҳам ижтимоий адолатни барпо этмоқ учун кураш жуда катта шижоат ва жасоратни талаб қилади. Бундай одам кўп жиҳатдан кўкрагидаги юрагини суғуриб олиб, зулматда йўлдан адашган юртдошларига, қабиладошларига йўл кўрсатган афсонавий Данкони эслатади. Фақат Ойбек Данкодан фарқ қиларок, «социалистик зулмат»ни маърифат нури билан, ақл-заковат нури билан ёритмоқчи бўлган. Назаримда, ўшшайган бадқавоқ қоялар салтанатида уларнинг совуқ нигоҳларини писанд қилмай, бир сават оқ ҳарир гулларни қуёшга тутиб, нурга интилган наъматак тимсолида Ойбек ўзининг асл ниятини тасвирлаган. Бунинг учун эса ўша шароитда катта жасорат керак эди, ўзлигидан кечмай туриб, том маънода қаҳрамонлик йўлини тутмай туриб шундай тимсол яратишга журъат қилиш қийин эди. Унинг жасорати нечоғлик катта ва муҳим бўлганини тасаввур қилиш учун Ойбекнинг бошқа адиблар қаторида бутун умри давомида «занжирбанд шер» ҳолатида яшаганини, ҳар кун, ҳар соатда сайёднинг домига илиниш хавфи билан яшаганини эслаш кифоя. Вазият яна шу билан оғирлашганки, Ойбек яшаган муҳитда ҳукмрон кучлар қўрқув салтанатини барпо этганлар, ҳар бир одам хавотирда, таҳликада яшашга мажбур бўлган.

Одамлар ўртасидаги энг кучли инстинктлардан бири ўз ҳаётини сақлашга интилиш инстинктидир. Тоталитар тузум шароитида жамият ҳаётининг ҳамма жиҳатларини белгилайдиган муҳим туйғу қўрқувдир, қўрқув ҳар қандай одамни ҳам лоқайд қилиб қўяди. У теварак-атрофидаги ҳодисаларга бефарқ бўлиб қолади. Ҳаётда Шчедриннинг тангабалиғининг фалсафаси ёхуд «Синчалак»даги Эшоннинг отаси уқдирган: «қозиқнинг учи эмас, кети ҳам эмас, ўртаси бўлиб яшаш» ақидаси тантана қилади. Бу эса манқуртлик сари қўйилган биринчи қадамдир. У жуда қисқа фурсатда одамни карахт қилиб, уни фаолликдан маҳрум этади. Афсуски, шўролар замонида ўзбек халқи бу иллат билан жиддий заҳарланган эди. Фақат минглардан, юз минглардан биригина адолат йўлида унинг ҳимоясига бирор оғиз гап айтишга журъат топар эди. Шундай бўлгани учун Ойбекнинг шахсий ҳаётда соғлом адабиёт учун дадил кураши кишини ҳайрон қолдиради. Мен бу ўринда 1927 йили Чўлпон тўғрисидаги баҳсда Ойбекнинг ҳеч иккиланмасдан шоирни ҳимоя қилганини назарда тутяпман. Ўшанда Чўлпон очиқдан-очиқ «совет халқига ёт шоир», деб эълон қилинган эди. Уни «буржуа зиёлиларининг шоири» деб эълон қилишган. Ойбек уни ҳимоя қилади. Пушкинни мисол келтириб, адабиётнинг спецификасини эслатади, шеър ва шоирни теранроқ тушунишга, истеъдодни қадрлашга ундайди. Шунда Ойбек бор-йўғи 22 ёшда эди. Махсус органлар, эҳтимол, уни ёшлиги учун бир марта кечиргандирлар. Йўқ, бунга ишониб бўлмайди. Улар шунчаки арқонни узун ташлаб, бир йўла улгуржи ўлжа олишдан умидвор бўлган бўлишлари мумкин. Ўшанда Ўзбекистон компартиясининг биринчи котиби бўлмиш Акмал Икромов Ойбекни жиндай суяб ғоявий-сиёсий хатосини уқдириб ўтган эди. Бироқ бу адибга «сабоқ» бўлмайди. У «шаккоклик»ни давом эттиради. У 30-йилларнинг ўртасида «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» деган рисолани эълон қилади. Маълумки, 20-йилларнинг охири 30-йилларнинг бошларида бу буюк ижодкор ҳам аёвсиз танқид остида қолган эди.

Айниқса, ўша пайтда нуфузли партия идораларида хизмат қилган Сотти Ҳусайн «Ўтган кунлар» деган катта мақола ёзиб, «Ўтган кунлар»нинг соғ жойини қолдирмаган эди. Бироқ унинг мақоласи вулгар социология позициясидан ёзилган бўлиб нафақат Абдулла Қодирийни аёвсиз қоралаган, балки бутун адабиёт ривожини нотўғри йўлга солиб юборишга ҳам қодир эди. Ойбек нафақат Абдулла Қодирийни ҳимоя қилади, балки рак касалига ўхшаш адабиётни ҳалок этиши муқаррар бўлган вулгар социализмни ҳам аёвсиз фош қилади. Бунинг учун ҳам чуқур билим билан бирга катта жасорат ва фидойилик ҳам керак эди. Буларнинг бари айрим одамларимизнинг ғашини келтирмай қўймас эди. Ўзини ҳукмрон мафкуранинг соқчилари деб билган бу одамлар Ойбекка яширин душман сифатида қарашган ва унинг ишларига ҳар томонлама тўсқинлик қилишган. Натижада, у ишлардан кетишга мажбур бўлган, рафиқасининг арзимаган маошига тирикчилик қилиб, шундай шароитда «Қутлуғ қон» романини ёзиб тугатган. Ҳукмрон мафкура муҳиблари ҳатто «Қутлуғ қон»дан ҳам ғоявий иллат топишади — унга ёпишса-ёпишмаса инқилобчи Петров образини киритиб, уни Йўлчига устоз қилиб қўйишга мажбур этишади. 1937 — 38 йиллар шароитида Ойбек «дўстлари»нинг талабига ён беришга мажбур бўлади — натижада романда сўгалга ўхшаган совуқдан-совуқ бир боб пайдо бўлади.

Ойбекнинг жасорати, дадиллиги, адабиётга фидойи садоқати баъзи бир асарларни рўёбга чиқаришдаги саъй-ҳаракатларида ҳам кўринади. Яқинда таниқли шоир Рамз Бобожоннинг янги китоби чиқди. Унда шоир 60-йилларнинг сўнгидаги бир воқеани эслайди. У пайтларда Рамз Бобожон Ғафур Ғулом номидаги нашриётда директор бўлиб ишлаган йилларда бўлса керак — нашриётга «Тирик сатрлар»нинг қўлёзмаси келади. Китоб 20-йилларга бағишланган эди. Унда жадидлар ва «миллатчи» саналган шоирларнинг, шу жумладан, Фитрат ва Чўлпон ижодидан намуналар ҳам берилган эди. Бунақа «ғалвали» асарлар одатда тақриз қилинар, «хатолари» тузатилиб, кейин босишга рухсат бериларди. Китобни Ойбекка тақризга беришади. Ойбек ундаги мафкуравий баҳсли ўринлардан тап тортмай китобга ижобий тақриз беради. Китоб 1968 йили босилиб чиқади, афсуски, бу пайтда Ойбек ҳаётдан кўз юмган эди. Шундан фойдаланибми, йўқми, партия мутасаддилари китобни тарқатишни таъқиқлаб қўйишади. Бу мисол Ойбекнинг ҳақиқий адабиёт учун кураши умр бўйи давом этганини кўрсатади.

Ойбек ижодда шахсан ўзига тааллуқли масалаларда ҳам ақл бовар қилмайдиган даражада олижаноб эди. Унга ҳатто бир вақтлар ўзига ёмонлик қилган одамларнинг тагига сув қуйишга интилиш ҳам бегона бўлган. Мана, унинг ҳаётида рўй берган ва ҳозирга қадар ҳаммани ажаблантириб келган бир воқеа.

1946 йили «Навоий» романи мамлакатдаги энг юксак адабий мукофот билан тақдирланди. Ўша давр таомилига кўра, бундай асарлар мутлақо танқид қилинмасди, чунки ҳар қандай танқид «халқлар доҳийси»га тегиб кетиши мумкин эди. «Навоий» романи ҳам аввалига 3-4 йил ҳамма жойда мақтаб кўкларга кўтарилди. Кейин эса бирданига булутсиз осмонда чақмоқ чақнагандек, республика газетасида Ботир Файзиев деган одамнинг катта мақоласи босилди. Унда романда тасвирланган Биноий ва Навоий муносабатларини рўкач қилиб, муаллиф Ойбекни тожик халқига туҳмат қилишда айблаган эди. Унинг фикрича, Ойбек тожик ва ўзбек халқларининг тарихий дўстлигини бузиб кўрсатган ва ашаддий миллатчиликка йўл қўйган. Мақоладан кейин ғийбат ва бўҳтон қозони жўш уриб қайнай кетди — Ойбекнинг бошига қора булутлар ёғилди, Академияда, Ёзувчилар уюшмасида, яна бошқа баъзи ташкилотларда муҳокама устига муҳокамалар бўлди — кечагина лауреат, зўр истеъдод сифатида шуҳрат қанотида учиб юрган Ойбек бир зумда лойга қориб ташланди, сиёсий айбдор қилиб қўйилди. Бу эса қамоққа ва сургунга олиб борадиган йўл эди. Хуллас, Ойбек жуда оғир касалга учраб, йиқилиб қолади ва шу йиқилганича умрининг охиригача ўзига келолмайди. Унинг тили дудуқланиб, қўли қалам тутишга ярамай қолади. Бу мудҳиш воқеанинг илҳомчилари ва ташкилотчиларини Ойбекнинг рафиқаси Зарифа опа «Менинг Ойбегим» китобида батафсил ёритиб берган. Табиийки, жамоатчилик бу бўҳтонлар ярмаркасини бошлаб берган Ботир Файзиевни қаттиқ қоралади. Орадан йиллар ўтди — бу ғалваларнинг туҳматлиги аниқ бўлди, ҳақиқат тикланди. Лекин Ойбекнинг соғлиғи тикланмади. Бу ўринда Зарифа опанинг Ойбекка садоқати ва вафодорлигини таъкидлаб, уни алоҳида эҳтиром билан тилга олиб ўтиш керак. Зарифа опа беморнинг аҳволини имкон қадар енгиллатишга ҳаракат қилди, уни салкам ўн саккиз йил парвариш қилди ва бу билан чекланмади. Ойбекка тааллуқли ҳар қандай ҳужжатни, ҳар лахтак қоғозни авайлаб асради. Ойбекнинг кейинги асарлари Зарифа опанинг саъй-ҳаракатлари билан дунё юзини кўрди. Шу тариқа Ойбекнинг дастлабки 45 йиллик умри шундоқ ҳам осон кечмаган бўлса, сўнгги 15-16 йили турган-битгани жисмоний ва руҳий азобларга тўла бўлди.

Мен буни ўйлар эканман бошқа бир атоқли ўзбек ёзувчисининг аламлар бағрини тешиб ўтганда, ҳукмрон мафкура муҳиблларининг фаросатсизлигидан бўғилиб кетганда «Нега онам мени ёзувчи қилиб туғдийкин!» дея фиғон чеккани эсимга тушади. Ҳа, Ойбек кўп йиллар мобайнида ўз нурлари билан халқ қалбини чароғон қилиб келган гавҳар эди, бизнинг иккиюзламачи муҳитимиз туфайли, чинакам истеъдодларни оёқости қилган мудҳиш тартиблар туфайли бу гавҳар хира тортди.

Кейин янада қизиқ бир воқеа рўй берди. Кунлардан бирида кафедрамизга ранглари сўлғин бир одам кириб келди. Биз уни тузукроқ танимас эдик. У қўлтиғидаги семиз картон папкасини олар экан, бир томонга қараб туриб худди нимадандир пушаймон одамдек паст овозда ўзини таништирди. «Ботир Файзиевман. Ойбек ҳақида диссертация ёзган эдим. Шунга оқ йўл берсанглар...» Бу гапни эшитиб ҳаммамизнинг ғашимиз келди — у билан тузукроқ кўришмадик ҳам, ишини қўлига қайтариб бериб, бошқа жойга олиб боришни маслаҳат бердик. У тарвузи қўлтиғидан тушиб, ишини қўлтиқлаб чиқиб кетди. Шу кетганича ҳар хил илмий ташкилотларнинг эшигини қоқиб анчагина юрди. Халқ назаридан қолиш ёмон нарса экан. Ҳеч қаерда унга рўйхушлик беришмади. У боши берк кўчага кириб қолган эди. Биз — домлалар, илмий ходимлар, сирасини айтганда, унчалик бағритош одамлар эмасмиз. Лекин шунга қарамай Ойбекка нисбатан хоинлик қилган одамга муносабатимиз илимади-илимади. Ботир Файзиевни Ойбекнинг уйига Носир Фозилов бошлаб келибди. Ҳеч кимдан илтифот кўрмаган Ботир Файзиевнинг Ойбекнинг ўзидан ёрдам сўрашдан бошқа иложи қолмабди. Ойбек эса унинг ишига ижобий мулоҳазалар билдириб, тақриз ёзиб берибди. Носир Фозилов билан меҳмонни кузатиб чиққан Ойбек ҳовлида кийик билан бўри боласи ёнма-ён турганини кўрибди ва дудуқланиб «Одам... ҳам шунақа бўри билан ёнма-ён туради», дебди. Хуллас, ҳар нима бўлганда ҳам, Ойбек унинг гуноҳидан ўтиб ижобий тақриз берганидан кейин, кўп ўтмай, Ботир Файзиев диссертациясини ҳимоя қилиб олди. Бироқ ҳимоя қилгани билан унинг бири икки бўлиб қолгани йўқ. Шунақа — халқ назаридан қолиш ёмон бўлар экан, бунақа одамнинг ўнгарилиши жуда қийин бўлар экан.

Ўшанда анча вақтгача мен Ойбек аканинг нега бу одамнинг гуноҳини кечиргани сабабини англаёлмай юрдим. Менга қолса, шахсан мен уни кечира олмасдим. Лекин Ойбек ака мен эмас, Ойбек ака-да. Эҳтимол, у Толстойнинг «Ёвузликка ёвузлик билан жавоб берма», деган ақидасига амал қилгандир. Ҳар ҳолда, кейинроқ ўйлаб қарасам, бировнинг гуноҳидан ўтган Ойбек ака янада олижаноброқ ва салобатлироқ кўриниб кетди. Албатта, Ойбек Ботир Файзиевнинг бу можаролар ташкилотчиси эмас, оддий бир ижрочиси бўлганини яхши билган ва шунинг учун у билан олишиб ўтиришни эп кўрмаган. Ҳар ҳолда, Ойбекнинг кечиримлилиги ва олижаноблиги унинг том маънодаги бағрикенг, сержаховат инсон эканидан далолат бериб турибди. Бу билан буюк адиб одамларга яна бир карра олижанобликдан сабоқ берди.

Ойбек ака шунақа қийин замонда ҳаёт кечирган эди. Унинг карвони, шоир айтгандек, итлар галаси орасидан ўтган эди. Ойбек яшаган муҳит талантли одамларни чиқиштирмайдиган, тилли-забонлиларни ёқтирмайдиган, фақат мутелар ва лаганбардорларга, чақимчилар ва ҳасадгўйларга кенг йўл очиб қўйган муҳит эди. Бу муҳитда яшаган заифроқ одамлар ундан бошдан оёқ жирканч иллатларга бурканиб чиққан эди. Фақат Ойбекка ўхшаган қалби тоза, энг юксак даражадаги инсонийлик мақомига эга бўлган олижаноб инсонгина бу муҳит иллатларини юқтирмаган. Нопоклар ичида покиза қолиш ҳам улуғликнинг белгисидир.

Шундай қилиб, Ойбек истеъдод учун унча қулай бўлмаган оғир замонларда яшаган бўлса-да, энг мураккаб талатўплар орасида ҳам, мудҳиш қирғинбаротлар шароитида ҳам инсон ўзининг инсоний қадр-қимматларини сақлаб қолиши мумкин эканини ва бу фақат унинг ўзигагина боғлиқ эканини исбот қилди.

Мен бу гал шифохонада умримдаги энг оғир кунларимни ўтказдим. Охир-кети кўринмайдиган оғриқли дардчил тунларда неча марталаб ажалнинг кўзига қарадим ва бу гал ҳам чоҳ лабидан омон қайтдим. Энди ўйласам, бунга адабиётни, адабиёт дунёсидаги тозалик ва покликни ўйлаганим ҳам сабаб бўлдимикин? Ўша оғир кунларда менинг қай бир сифатим ёқиб қолган бўлса, Ойбек домланинг ўлмас руҳи менга мадад берган бўлса ажаб эмас.

Дилором ИСМОИЛОВА

## СЕН КУЗДАЙ ГЎЗАЛСАН



* * *

**Ғужум-ғужум дарахтнинг**
**Япроқлари олтиндан,**
**Мезондек маржон таққан**
**Куз дамлари — олтин дам.**
**Боғларга кийиб кирган**
**Куз ковуши олтиндан,**
**Шамолда пирпирайди**
**Барглар гўё олтин шам.**
**Ғужум-ғужум дарахтнинг**
**Сояларида бирдам**
**Ўтириб тоқат қолмади,**
**Кўзларингда кўриб нам.**
**Сени соғиндим жуда,**
**Юрагимдаги санам.**
**Ғужум-ғужум дарахтнинг**
**Япроқлари олтиндан.**

### ЮРАГИМ — ДУТОР

**Овозсиз йиғлайди бу тошлар,**
**Индамай тош отар бу тошлар.**
**Юрагин тош қилган бу тошлар,**
**Юрагим доғ қилган бу тошлар.**
**Йўлларда думалаб ётади,**
**Кераксиз, юраксиз бу тошлар.**
**Оёғим қонатиб юборса агар,**
**Сирларимни сотиб юборса агар,**
**Ҳеч, хафа бўлмайман, оҳиста дейман:**
**Мени соғинибди зериккан тошлар.**
**Кераксиз, юраксиз бу тошлар,**
**Юрагимни тимдала бошлар.**
**У ҳам ўзимиздек, бир ўзбекча бор,**
**Баъзан бошчасига дўппи келар тор.**
**Юрагимни чалинг, юрагим — дутор,**
**Қўлингиз қонашдан қўрқмасангиз гар.**
**Тинмай чалаверинг, тинмай чалингиз**
**Юрагимга етса, агар қўлингиз.**

### СОЧИНГ ТЎЛҚИНИДА

**Не истасам топдим мен сендан,**
**Юзинг — ой, сочинг — тун, лабинг — гул.**
**Сувдаги олмадек оқади,**
**Сочинг тўлқинида бу кўнгил.**

**Қароғинг юлдузлар осмони,**
**Сен қўшиқ, сен қуйсан, ғазалсан.**
**Нимаки, нимайки бўлса ҳам,**
**Сен куздай гўзалсан, гўзалсан.**

### ИЛОН ҚИЗ

**Илондек аврадинг, тинмадинг,**
**Илондек чақмасдан қўймадинг,**
**Ёки сен қонимга тўймадинг,**
**Нега кетаяпсан, илон қиз?**

**Қаршимда илондек тўлғониб,**
**Васлимга тўйсангчи сен қониб,**
**Мен мағлуб, сен маккор, сен ғолиб,**
**Илон қиз, илон қиз, илон қиз.**

### ЗУБАЙДАГА

**Бу йўлларнинг қисмати оғир,**
**Бу йўлларда ҳаловат қайда.**
**Совқотдингми аёзларида,**
**Сўзларимга исин, Зубайда.**

**Ўтирибсан маъюс, паришон.**
**Тоқатларинг бўлиниб майда.**
**Кел, офтобинг бўлайин сенинг**
**Кўзларимга исин, Зубайда.**

**Хаёл — рўмол, бир учи унинг**
**Самарқандда ҳилпираб турар.**
**Шеъриятни севган юраклар**
**Ишонч билан оҳиста урар.**

**Ўтиб кетар қишнинг заҳри ҳам,**
**Ортда қолар сен чеккан қийноқ.**
**Лабларингга илиб табассум,**
**Кўтарилар чечаклар — байроқ.**
**Баҳор келар бир кун, Зубайда.**

### УМИДВОРЛИК

**Елларда гуноҳ йўқ, гуноҳсиз еллар,**
**Қайтади бир куни остона ҳатлаб.**
**Оташин кўксимга бардошни босиб,**
**Қўйибман-ку соғинч хатларин тахлаб.**

**Мана бу мактублар — кўзлариминики,**
**Буниси юракдан ҳар кун келган хат.**
**Шамолим, сен уни сочиб ташлагин,**
**Мактубга кутганинг келади, деб айт.**

**Элчим, ўйларимдан бўлдингми қувғин,**
**Нега дарахт тилин туфлаб ташлади.**
**Қуёш гўё шамол кўтарган хазон,**
**Секин-секин ерга туша бошлади.**

**Кўзларим тикилар йўлга умидвор,**
**Пайт келиб дийдамдан тикилар бахтлар.**
**Елларда гуноҳ йўқ, улар бир куни,**
**Қайтади уйимга остона ҳатлаб.**

### СЕНИ КЎРГИМ КЕЛЯПТИ

**Гулларнинг бир тоза юзига қараб,**
**Шабнамлар ярашган кўзига қараб,**
**Тараттан бўйига, ўзига қараб,**
**Кўргим келиб кетди, сени ҳам.**

**Тиқилинч шаҳарда топмадим ошно,**
**Кенгликларга чиқиб кетдим, ҳувайдо,**
**Қароқларим садр тепар, вовайло,**
**Кўргим келаяпти сени жуда ҳам.**

**Осмонни синдириб ташлар қалдироқ,**
**Дарахтлар қўлини босади титроқ.**
**Саволдай лопиллаб ёнади чироқ,**
**Кўргим келаяпти сени жуда ҳам.**

**Неча минг кўз билан тўқнашди кўзим,**
**Қиёсинг тополмай тўкилар бўзим,**
**Умримни кўзингга жойлаган ўзим,**
**Умримга термулиб тургим келяпти,**
**Мен сени жуда ҳам кўргим келяпти.**

### СИЗНИ СОҒИНГАНДА

**Куз ўтмоқда, кузак ўтмоқда,**
**Эшигимни қоқиб бетиним.**
**Юрагимни соғинч тилмоқда,**
**Кўзларимга ёш келар лим-лим.**

**Совуқ елнинг совуқ тафтида,**
**Шалдирайди сарғайган барглар.**
**Дарахтларнинг бўйига боқиб,**
**Янгиланар қалбдаги дардлар.**

**Бу бепаён табаррук ерда,**
**Ҳар нарсанинг бор экан чеки.**
**Ғуссалардан хам бўлар бошим,**
**Сен қолдирган ғамларни чекиб.**

**Денгизларнинг қирғоғи бордур,**
**Осмони бор, кўнгли тўқ экан.**
**Лек дунёда, азиз ОНАЖОН,**
**Соғинчларнинг чеки йўқ экан.**

**Куз ўтмоқда...**

## ДОИМИЙ ҲАМРОҲ

Яқинда «Маънавият» нашриётида шоир ва таржимон Носир Муҳаммаднинг улуғ мутафаккир Алишер Навоий асарлари мутолааси жараёнида туғилган фикр-мулоҳазалари, ўзига хос хулосаларини жамлаган «Анқони маҳрам қилдингиз» номли рисоласи чоп этилди. Рисоладаги «Навоий мутолааси», «Шоирнинг буюк жасорати», «Навоий шатранж ўйнаганми?», «Таворуд нима?» сарлавҳали ўнлаб мақолалар, кузатишларда муаллиф ўз мулоҳазаларини бирида илмий, бирида бадиий мантиқ билан далиллашга уринган. Н.Муҳаммаднинг «Девони фоний»дан қилган таржималаридан намуналар ҳам рисоладан жой олган.




Нашрнинг масъул муҳаррири навоийшунос Султонмурод Олимов «Сўз устозига шогирдлик» сарлавҳали сўзбошисида рисоланинг мазмун-мундарижасини шундай таърифлайди: «Навоийни англаш, унинг асарлари мағзини чақишга уриниш фақат навоийшуносниnггина вазифаси эмас... Шоир Носир Муҳаммаднинг ушбу китобчаси ҳам йиллар мобайнида Навоийни ўқиб, ўрганиш жараёнидаги кузатиш-қиёслаш, таҳлил-муҳокамалари натижасида туғилган фикр-мулоҳаза, ҳукм-хулосалари тарзида қоғозга тушган».

Рисолани ўқиш жараёнида муаллифнинг буюк шоир мероси мутолаасида аниқлаштирган нуқталарни, айрим байт ёхуд парча моҳиятини қай тарзда тушуниб талқин этганини кузатасиз. Ушбу нашр Навоий ижоди мутолаасига ҳавасманд китобхонларда қизиқиш уйғотиши тайин.

«Анқони маҳрам қилдингиз» рисоласи уч минг нусхада чоп этилган. Муҳаррир У.Қўчқор. Нашрни мусаввир М.Аглямов безаган.




Яхши шеърнинг жозибаси маълум нарсаларнинг номаълум қирраларини шишанинг тиниқлигидай кўзни қувонтириб, идрокни уйғотиб очиб беришида. Масалан, «Суфлёр» шеърида шоир Ўроз Ҳайдар шундай ёзади:

**Жуда оғир**
**шивирлаб яшаш,**
**Хусусан, ой**
**шивирлагандай.**
**Сўзни унсиз узлуксиз ямлаш**
**Туюлар қор ғичирлагандай.**

**Тўкилади олма гулидай**
**Лабларидан**
**баҳайбат шивир.**
**Кўзларида синиб ётар най,**
**Вужудидан юраги оғир.**

Табиийки, бу сатрлардан журъатга мустар киши ҳолати кўз олдимизга келади. Унинг най синиб ётган кўзлари кишида ачиниш туйғусини уйғотади... Аслида ҳам яхши шеър ўқувчини ўзига қайтаради — кўрган-билганларини туйғулари кўмагида қайта қалбдан ўтказиб, теранроқ мушоҳада этишга ундайди.

Ана шундай шеърлар истеъдодли шоир Ўроз Ҳайдарнинг ўтган йили «Янги аср авлоди» нашриётида чоп этилган «Оқ соя» номли китобида анчагина. Бунгача унинг «Қуёш ўтови», «Куйловчи тошлар», «Ҳазилкаш қиш», «Ёвузлик сиртмоғи» сингари китоблари чоп этилган. «Оқ соя»га жамланган содда, самимий, фикрчан шеърлар ўқувчини теварак-атрофга тийрак боқишга, ўтаётган кунлар тароватини ҳис этишга, умр ва тириклик борасида мушоҳада юритишга ундайди.

Нашрга Н.Нарзуллаев муҳаррирлик қилган. Уни мусаввир А.Сатторов безаган.

